

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладынинг давоми

(Боши иккинчи бетда).

Ойига беш юз сўмгача иш ҳақи олаётган ишчи ва хизматчилардан даромад солиғи олиш ҳамда бўйдоқ, ёғиз ва кам болали граждандарга солинадиган солиқ олиш 1960 йил 1 октябрдан бошлаб тўхатилади. Шу билан бир вақтда ойига беш юз сўмдан олти юз сўмгача бўлган иш ҳақидан олинатиغان солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 40 процент камайтирилади. Бу тақдирда шу гуруҳдаги ходимлар қўлига тегадиган иш ҳақининг миқдори бир йилга ҳисоблаганда жами 3,6 миллиард сўм кўпаяди.

Олти юз сўмгача бўлган иш ҳақидан солиқ олиш 1961 йил 1 октябрдан бошлаб батамом тўхатилади ва 601 сўмдан 700 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинатиغان солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 40 процент камайтирилади. Шу муносабат билан шу гуруҳдаги ходимлар қўлига тегадиган иш ҳақининг умумий миқдори бир йилга ҳисоблаганда тўрт миллиард сўм кўпаяди.

700 сўмгача бўлган иш ҳақидан солиқ олиш 1962 йил 1 октябрдан бошлаб батамом тўхатилади ва 701 сўмдан 800 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинатиغان солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 40 процент камайтирилади. Шу гуруҳдаги ходимлар қўлига тегадиган иш ҳақининг умумий миқдори бир йилга ҳисоблаганда жами 4,5 миллиард сўм кўпаяди.

Шундан кейинги йилларда солиқларнинг ҳозир амалдаги ставкалари ўрта ҳисобда 40 процент камайтирилади: 900 сўмгача иш ҳақи олаётган ходимлар учун солиқ ставкалари 1963 йилда 40 процент ва ойига 1000 сўмгача иш ҳақи олаётган ходимлар учун солиқ ставкалари 1964 йилда 40 процент камайтирилади. Шу муносабат билан мажбур гуруҳлардаги ишчи ва хизматчилар қўлига тегадиган иш ҳақи бир йилга ҳисоблаганда: 1963 йилда жами 2,4 миллиард сўм ва 1964 йилда яна жами 2,4 миллиард сўм кўпаяди.

Шундай қилиб, солиқдан батамом ёки қисман озод қилинган ходимлар дораири йилдан-йилга кенгай беради.

Тариф ставкалари ва ойлик маошлари 1000 сўмгача бўлган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан солиқ олишнинг тариф ставкаларини ва маошларини камайтирмай туриб 1965 йил 1 октябрдан бошлаб батамом бекор қилиш назарда тутилади. Ставкалари ва ойлик маоши 1001 сўмдан 2000 сўмгача бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ставка ва маошлари солиқ бекор қилинган тақдирда шу ставкалар ва маошлардан олинатиغان солиқнинг бир қисми миқдорига камайтирилади. Бу тақдирда уларнинг ҳам қўлига тегадиган иш ҳақи кўпаяди, яъни: ставка ва маош 1001 сўмдан 1200 сўмгача бўлган тақдирда иш ҳақи илгари тўлаб келинган даромад солиқнинг ўрта ҳисобда 79 проценти миқдорига кўпаяди ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг шу гуруҳпаси қўлига тегадиган иш ҳақининг умумий кўпайиши бир йилга ҳисоблаганда 6,5 миллиард сўмни ташкил қилади.

Ставка ва маошлар ойига 1201 сўмдан 1400 сўмгача бўлган тақдирда иш ҳақи илгари тўлаб келинган солиқнинг ўрта ҳисобда 46 проценти миқдорига кўпаяди. Ишчи ва хизматчиларнинг шу гуруҳпаси қўлига тегадиган иш ҳақи бир йилга ҳисоблаганда жами 2,6 миллиард сўм кўпаяди.

Ставка ва маош 1401 сўмдан 1600 сўмгача бўлган тақдирда иш ҳақи тўлаётган солиқнинг ўрта ҳисобда 29 проценти миқдорига кўпаяди, шу муносабат билан ишчи ва хизматчиларнинг бу гуруҳпаси олаётган иш ҳақи бир йилга ҳисоблаганда жами 900 миллион сўм кўпаяди.

Ставка ва ойлик маош 1601 сўмдан 1800 сўмгача бўлган тақдирда иш ҳақи тўлаётган солиқнинг ўрта ҳисобда 15 проценти миқдорига кўпаяди. Ишчи ва хизматчиларнинг бу гуруҳпаси олаётган иш ҳақи бир йилга ҳисоблаганда жами 200 миллион сўмдан зиёдор кўпаяди.

Ставка ва ойлик маош 1801 сўмдан 2000 сўмгача бўлган тақдирда иш ҳақи тўлаётган солиқнинг 10 процентигача бўлган дораида ортади, ишчи ва хизматчиларнинг бу гуруҳпаси олаётган иш ҳақининг умумий миқдорига эса бир йилга ҳисоблаганда жами 200 миллион сўм кўпаяди.

Даромад солиғи бекор қилинганидан кейин 59,4 миллион кишининг қўлига тегадиган иш ҳақи шу кишилар илгари тўлаб келган солиқнинг бутун миқдори барабарига кўпаяди, бир неча миллион кишининг иш ҳақи тўлаб келадиган солиқнинг ўрта ҳисобда тахминан ярмига тенг келадиган миқдорда кўпаяди, ходимларнинг бироз қисмигагина қўлига тегадиган иш ҳақи кўпаймасдан қолади.

Даромад солиғи бекор қилиниши билан бир вақтда бўйдоқ, ёғиз ва кам болали граждандардан олинатиغان солиқ ҳам давлат ҳисобига батамом бекор қилинади, бу бекор қилинган солиқ 1965 йилга ҳисоблаганда 6,4 миллиард сўмни ташкил қилади. Шу солиқни тўловчиларнинг ҳаммасининг қўлига тегадиган иш ҳақи, улар олаётган иш ҳақининг миқдоридан қатъи назар, шу солиқ миқдорига тенг келадиган миқдорда кўпаяди.

Солиқлар батамом бекор қилиниши натижасида ишчи ва хизматчиларнинг даромадлари 1966 йилга бориб йилга тахминан 74 миллиард сўм миқдорига кўпаяди. Бу эса, халқ фаровонлигини янада оширишга қаратилган қўшимча муҳим чора бўлади.

Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинатиغان солиқлар бекор қилиниши билан бирга, партия XXI съездининг қарорларига мувофиқ, иш ҳақининг минимал миқдорини ошириш тадбирлари амалга оширилади.

Ўртоқлар! КПСнинг XX ва XXI съездларида иш ҳақини ошириш йўли билан ҳам, шунингдек истеъмол буюмларининг нархларини камайтириш, аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматларни кўпайтириш ва яхшилаш йўли билан ҳам меҳнаткашларнинг реал иш ҳақини янада кўпайтиришга эҳтиёж йўли белгиланган эди. Маана шуларнинг ҳаммаси халқ эҳтиёжларини тобора кўпроқ қондиришни таъминлайди.

Олий Совет муҳофазасига киритилаётган тақлифларда аҳолидан олинатиغان солиқларни текисчилик принципи асосида бекор қилиш қўзда тутилмасдан, балки кам ҳақ олаётган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини биринчи галда оширишни назарда тутиб табақалаштиришга тарзда солиқларни бекор қилиш қўзда тутилди. Шундай қилиб, паст ва юқори ставкалари бўлган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ўртасидаги фарқ камайтирилади.

Бунинг ҳамма яхши тушуниб олиши керак, chunki баъзи кишилар бу масалани чала тушунишлари мумкин. Баъзи ўртоқлар бизни фақат нархларни камайтириш ва шу орқали меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш йўлига солиб юборишга уринмоқдалар. Биз нархларни камайтириш йўлидан воз кетмаймиз, лекин фақат шу йўл билан, яъни нархларни камайтириш йўли билан борган ва паст ставкаларни юқори ставкаларга яқинлаштиришга, етказиб олишга ҳаракат қилинмаган тақдирда, меҳнаткашлар учун шароит тенгсиз бўлиб қолиши мумкинлигини назарда тутиш керак.

Маълумки, молларнинг нархлари камайтирилган тақдирда, иш ҳақи ставкаси юқориқроқ бўлган категориядаги меҳнаткашларнинг иш ҳақига кўп пул қўшилиди.

Биз социалистик жамият ходимларининг меҳнатига тўланадиган ҳақини тенглаштириш тўғрисида гапирмоқдамиз, лекин шу билан бир вақтда ходимларга тўланадиган иш ҳақида эгасизлик бўлишига таъминоти ва қатъий қаримиз, текисчиликка қаршимиз. Бунинг В. И. Ленин жуда яхши тушуниб берган. Социалистик жамият ходимлари ўз меҳнатининг натижаларидан моддий манфаатдор бўлсинлар деб Ленин берган кўрсатмага оғишмай амал қилишимиз лозим. Бироқ, иккинчи жаҳон урушидан кейин ходимларнинг турли категориялари меҳнатига ҳақ тўлашда ҳаддан ташқари катта тафовут пайдо бўлди ва бу тафовутни камайтира бериш керак.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг бундай йўлини тўғри йўл деб ва партия ҳам, ҳамма меҳнаткашлар ҳам маъқуллайдилар деб ўйлайман. Лекин тақрор айтаманки, бу йўлда ўтказилаётган тадбирлар ҳамма кишиларга таъин ҳам тушунарли бўлиши учун бу тадбирларни доимо тушунириб туришимиз керак.

Иш ҳақи даражасини яқинлаштириш сиёсатини ўтказишимиз, ишчи ва хизматчиларнинг ҳам ҳақ тўланадиган категорияларини ўрта қаторларга ва ўрта қаторларини юқори қаторларга етказиб ола бериш йўли билан ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашдаги фарқни камайтиришга эриша беришимиз лозим. Бизнинг йўлимиз маана шу, chunki бу тўғри, ҳаққоний йўлми ёки йўл эгасизлигига йўл қўймаслик, ходимларни конструктив, илмий билим ривожлантиришга, меҳнатга таъин ҳам яхши натижаларга эришмоқ учун социалистик мусобақани ривожлантиришга рағбатлантирадиган воситалардан маъруф қилмаслик мақсадида социалистик жамиятининг ҳамма аъзолари қилаётган меҳнатни рағбатлантириш шарт-шароитини вужудга келтира беради. Шундай қилиш зарури, одамлар ўз меҳнатларининг натижаларидан фақат маънавий жиҳатдангина мамнун бўлиб қолмасинлар. Социализм шароитида одам-

лар миқдори кўп ва сифати яхши ишлари учун катта ҳақ олишлари ҳам лозим. Катта жамғармалар учун шарт-шароит вужудга келтираётган малакали, юксак унмол меҳнатга юқори ҳақ тўлаши лозим.

Яна бир масала — қишлоқ хўжалик солиғига тўғрисида ўтишга ижозат бергасиз. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида катта тадбирларни амалга ошириди. Колхозлар ва колхозчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятлари батамом бекор қилинди, давлатга сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг харид нархлари анча оширилди. Колхозлар жуда кўп миқдорда замонавий техника сотиб олдилар, қишлоқ хўжалигини планлаштириш системаси ўзгаририлди ва яхшиланди. Маана шуларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга ҳамда колхозларнинг ва колхозчиларнинг даромадларини анча оширишга ёрдам берди. Колхозларнинг пул даромадлари 1953 йилдагига нисбатан 3,5 баравар кўпаяди ва 1960 йилда 154 — 158 миллиард сўмга етди. Колхозчиларнинг меҳнат кунига бериладиган пул уч баравардан зиёдор кўпаяди.

Қишлоқ хўжалик солиғининг миқдори, юқорида айтиб ўтганимдек, 1953 йилда 2,5 баравар камайтирилган эди ва ҳозирги вақтда тўрт миллиард сўмни ташкил қилади.

Колхозчилар колхозларда бажарётган ишларидан олаётган даромадлари устига тобора ерларидан ҳам даромад олмақдалар. Қишлоқ хўжалик солиғи қўшимча даромадларнинг маълум маблағ бўлаётган маана шу тобора ер участкаларидан фойдаланганлиги учун тўланади. Колхозчиларнинг тобора участкаларидан олаётган даромадлари улар шу участкалардан олинган маҳсулотларни бозордаги мавжуд нархлар билан сотишлари билан қисман боглиқдир. Бу солиқни вақтинча сақлаб туриш керак, chunki у колхозларда меҳнат интизоминини мустақамлашда ва колхозчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари олаётган даромадларини бир меърга солишда маълум роль ўйнайди.

Колхозчиларнинг колхозларда ишлаб олаётган даромадларига қишлоқ хўжалик солиғи солинмайдилар. Бошқа социалистик корхоналар каби колхозлар ҳам умумдавлат тадбирларини маблағлар билан таъминлашда ўз даромадларининг маълум бир қисми билан қатнашмоқдалар.

Ижтимоий ишлаб чиқариш кўпая бориши, колхозларнинг хўжаликлари эса бериши билан уларнинг даромадлари ҳам тобора кўпая беради. Тақрор ишлаб чиқариш учун, бўлимас фойдалар учун ва бошқа эҳтиёжлар учун ажратилган маблағларнинг миқдори кўпаяди. Бу эса ижтимоий хўжаликнинг эҳтиёжларини ҳам, шунингдек ҳамма колхозчиларнинг натурал ҳолидаги маҳсулотларига ва пул маблағларига бўлган шахсий эҳтиёжларини ҳам тобора тўлиқроқ қондиришга имконият беради. Шундай қилиб, шундай бир шароит вужудга келтириладики, бу шароитда тобора участкаларнинг роли қолмайди, бу участкалар колхозчилар учун ўз аҳамиятини йўқотма керак ва, бинобарин, шахсий ёрдамчи хўжаликлари олинатиغان қишлоқ хўжалик солиғини бекор қилиш учун ҳам шароит етилади.

III.

Меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва жамғармаларни кўпайтириш учун

Депутат ўртоқлар! Биз қараб чиқаётган тадбирлар бутун совет экономикасини янада ривожлантириш учун принципиал аҳамиятга эгадир. Аҳолидан олинатиغان солиқлар бекор қилиниши муносабат билан социалистик хўжалик жамғармалари давлатимиз даромадларининг бирдан-бир манбаи бўлиб қолади. Хўжалик ва маданий қурилишнинг маблағ билан муваффақиятли таъминлиниши корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг ишлаб чиқариш ва жамғармаларини планларини бажаришларига таъминоти боглиқ бўлади. Шу сабабли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янада кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархини камайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини тобора ошириш, халқ хўжалигида мавжуд бўлган резервлардан тўлароқ фойдаланиш учун чинакам умумхалқ курашини ривожлантириш роғат муҳим ишдир.

Бундай шароитда таннархини камайтириш ва жамғармаларини планларини бажаришда иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари, халқ хўжалиги кенгашларининг ва корхона раҳбарларининг роли ва жавобгарлиги янада кўпроқ ошади.

Вазифа шуки, корхоналар ва хўжалик ташкилотларидан давлат бюджетига олинатиغان маблағларнинг ўз вақтида ва тўла келиб туришини таъминлаш, марказлаштирилган молия системасини бутун чоралар билан мустақамлаш керак.

Бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқариш воситаларининг кўпчилиги қисми социалистик давлат ихтиёридадир. Социалистик давлат хўжалик ва маданий қурилиш ишларини жуда кенг миқёсда амалга оширмоқда. Давлат корхоналари ва хўжалик ташкилотларининг даромадлари давлат бюджетга асосан фойдалардан ажратмалар ва оборот солиғи шаклида топирилади. Фойдалардан ажратмаларни олаётган давлат корхоналарининг ҳаммаси беради. Оборот солиғини бюджетга ишлаб чиқариш шароити яхши бўлганлиги ва юқори рентабеллиги сабабли жамғармалари нисбатан катта бўлган корхоналар ва хўжалик ташкилотлари тўлайдилар. Оборот солиғи ўзининг иқтисодий табиати жиҳатидан фойдалар фарқ қилмайди. Фойда каби оборот солиғи ҳам социалистик корхоналарда вужудга келтириладиган жамғармаларнинг бир қисмидир.

Ишлаб чиқаришнинг муттасил кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва хўжаликнинг ички жамғармаларини кўпайтириш — давлат корхо-

наларидан бюджетимизга келадиган даромадларнинг, яъни фойда ва оборот солиғининг мабладир.

Етти йиллик планда ишлаб чиқаришни кенг миқёсда ўстириш ва саноат маҳсулотининг таннархини камайтириш қўзда тутилди. Етти йиллик мобайнида фақат таннархини камайтириш натижасидангина салкам 650 миллиард сўм тежаллади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш — маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва жамғармаларини кўпайтиришнинг энг муҳим манбаидир. 1960 йилда саноат маҳсулоти йиллик ўсишининг тўғридан уч қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришмоқ лозим. Ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари ишлаб чиқаришнинг янги техникаси ва технологиясини муваффақиятли суратда жорий қилишга, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш бутун чоралар билан кенгайтиришга, корхоналарнинг қувватларидан тўла фойдаланишга кўп жиҳатдан боглиқдир. Партия ва ҳукумат техникани тарин ҳам тарқатқий эттириш масалаларига жуда катта эътибор бермоқдалар. Техника тарихда биринчи марта ўзининг чин моҳиятига эга бўлди. Техника меҳнатни унумлироқ қилибгина қолмай, уни енгиллаштирмоқда ҳам.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш масалалари корхона раҳбарларининг, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат марказида туриши зарур.

Социализм шароитида турмушини яхшилаш учун кураш аввало, меҳнат унумдорлигини ошириш учун кураш демакдир. Фақат меҳнатига моддий ва маънавий фаровонлигини вужудга келтиради ҳамда юртта кўрк ва хусн беради. Фақат меҳнатига янги ижтимоий тузумнинг тўла ва узил-кесил галабасига олиб келади.

Владимир Ильич Ленин социализм янги, хийли юксак меҳнат унумдорлигини вужудга келтириши билан капитализмни батамом енгиди, деб таъкидлаган эди. Социалистик хўжалик системасининг афзаллиги туфайли СССР саноат маҳсулот ҳажми жиҳатидан Европада биринчи ўринга чиқиб олди. Биз меҳнат унумдорлиги соҳасида ҳам капиталистик мамлакатларнинг кўпидан ўқиб кетдик. Дуруст, биз Америка Қўшма Штатларидан хали оғинамиз. Аммо Совет мамлакатларида ўсиш суръатларининг Америкадаги ўсиш суръатларига нисбатан устун экан-

лиги шунинг кўрсатадики, бу кейинда қилишни тугатиш пайти жуда яқинлашиб қолди.

Қўшма Штатларда ҳам буни яхши тушунадилар. Қўшма Штатдагилар бизнинг эришган муваффақиятларимизни кўриб турибдилар, социализм шароитида меҳнат унумдорлигини ошириш учун кураш барча совет кишиларининг жононжон иши бўлиб қолганлигини кўриб турибдилар. Американинг машҳур капиталисти Гарриман ўзининг «Россия билан тинч яшаймизми?»

деган китобида қўйидагиларни ёзди: «Айрим ишчиларнинг умум давлат мақсадларига эришишга қўшган ўз хиссаларидан манфаатдор эканликлари ва бу билан фахрланаётганликлари кўриб, ҳайратда қолдим». Дарҳақиқат ишчиларимизнинг меҳнат соҳасидаги гайратли капиталистларни ҳайратда қолдирмоқда ва ҳайратда қолдирмаслиғи мумкин эмас. Бу турган гап, уларда ишчилар вужудга келтираётган нарсаларнинг ҳаммаси капиталистларникидир. Совет жамияти шароитида эса меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисида, ишлаб чиқаришни ўстириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш айрим ишчиларнинггина эмас, балки барча совет кишиларининг шарафли иши бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда меҳнат унумдорлигини ошириш йўлидаги мусобақа чинакам умумхалқ иши бўлиб қолди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг кенг оmmasи меҳнат унумдорлигини ошириш учун, жамоат бойлигини кўпайтириш учун, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифини ҳал этиш учун курашда шижоат ва ижодий ташаббус кўрсатмоқдалар. 1959 йилда ишлаб турган ҳар бир киши ҳисобига саноатдаги меҳнат унумдорлиги 1940 йилдагига нисбатан 2,8 баравар ошди. Етти йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида меҳнат унумдорлиги контрол рақамларда қўзда тутилган 11,7 процент ўрнига 14 процент ортади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш халқ хўжалигини учун нечоғик катта аҳамиятга эга эканлигини шу нарсалар ҳам билдириши мумкин, мамлакатимиз саноатда шу йилнинг ўзида меҳнат унумдорлигини бир процент оширишнинг ўзи қарийб 13 миллиард сўм миқдорига қўшимча маблағ беради.

Интизоми кучайтириш ва меҳнатни жуда яхши ташкил этиш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим шартидир. Бизнинг кўп корхоналаримизда машина-ускуналардан ҳали қоникарли фойдаланилмаётган ва меҳнатни ташкил этишда жиддий камчиликлар бор. 1959 йилда баъзан корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармадилар. Бунинг натижасида мамлакатимиз қарийб 7 миллиард сўмлик маҳсулот ололма қолди.

Экономистларнинг ҳисоблари шунинг кўрсатадики, Халқ хўжалиги кенгашлари ихтиёридаги саноатда иш вақтининг бекорга кетказилиши тугатиш йўли билан қўшимча равишда йилга тахминан 10 миллиард сўмлик маҳсулот олиш мумкин.

Биз омма ўртасида сиёсий ва ташкилотчилик ишларини шундай йўлга қўймоғимиз керакки, ҳар бир корхона, ҳар бир қурилишнинг коллективни, ҳар бир совет меҳнаткаши машина, станок, агрегат, трактор ва комбайнлардан мумкин қадар яхшироқ фойдаланишга ҳаракат қилиши, хомашё ва материаллардан тобора-тобора фойдалансин, илгор меҳнат методларини қўллансинга, маҳсулотнинг сифатини яхшилашга ва бу билан завод ва фабрика марказининг шўхрати учун, ўз корхонасининг яхши номи учун курашга сиқилди билан ҳаракат қилисин. Совет саноатининг маҳсулотлари доим шўхрат қозониши керак. Аҳоли сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётганларнинг шўхратини оширайлик ва брак маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қарши, ўз иштини севмай, эътибorszалик билан ишлайтган ва совет кишиларининг дилини ҳўрсан қилмай, балки ранжитаётган кишиларга қарши курашини тобора кучайтирайлик.

Биз коммунизм сари олга ҳаракат қилиб бораётганимиз сабаби меҳнаткашларнинг тобора кенг оммаси меҳнатга чинакам коммунистик муносабат намуналарини кўрсатмоқдалар. Неча минглаб кишилар Валентина Гаганованинг олижаноб ташаббусига қўшилидилар. Коммунистик меҳнат зарбдорлари ва бригадаларининг аjoyиб ҳаракати тобора кенгайиб ўсиб бормоқда. Мингмиглаб корхона ва қурилишларнинг коллективлари куч ва маблағни энг кам сарф қилган ҳолда етти йиллик план топириқларини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига олмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси совет кишиларининг онги ўсганлигини, мамлакатимизда коммунизм тақдир учун маънавий бурч ва жавобгарлик ҳисси ошганлигини исбот этади, уларнинг давлат планларини амалга оширишдан астойдил манфаатдор эканликларини исбот этади.

Биода ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш учун жуда катта резервлар мавжуддир. Вазифа шуки, ана шу резервлардан тўла фойдаланиш, ҳар бир корхонада хўжаликни янада яхши боқиб беришга эришиш керак, фан ва илгор иш тажрибалари ютуқларидан тўлароқ фойдаланиш керак, куч ва маблағни камроқ сарф қилиб, яхши натижаларга эришмоқ лозим.

Ташкилотчилик ва тарбия ишларини систематик равишда юқори даражага кўтариш, меҳнаткашларнинг куч-гайратини давлат планлари ва топириқларининг ҳар бир корхона томонидан бажарилиши учун, халқ хўжалигида иқтисодий тежам қондаларига қатъий риоя қилиш учун курашга сафарбар қилмоқ лозим. Хўжалик ҳисобини мустақамлаш керак. Хўжалик ҳисоби ички резервларни сафарбар қилиш, рентабеллигини ошириш ва жамғармаларни кўпайтиришнинг энг муҳим воситасидир. Техникани тараққий эттириш асосида меҳнат унумдорлигини тўғривоз ошириш — мамлакатнинг эконоимиксини юксалтириш ва совет халқининг фаровонлигини оширишнинг энг тўғри йўлидир.

(ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНДА)

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Ф. Р. Козловни СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Фрол Романович Козлов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ВОРОШИЛОВ, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ, Москва, Кремль, 1960 йил 4 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ А. Н. Косигинни СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Алексей Николаевич Косигин СССР Госплани раиси вазифасидан озод қилиниб, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ВОРОШИЛОВ, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ, Москва, Кремль, 1960 йил 4 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Н. Г. Игнатовни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Николай Григорьевич Игнатов СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ВОРОШИЛОВ,

